

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Санкт-Петербург шаҳри мэрияси ўртасидаги музокаралар тўғрисида

## БАЁНОТ

1991 йил 7 октябрь кунин Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Санкт-Петербург шаҳри мэрияси музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда Президент И. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси ва мэр А. Собчак бошчилигидаги Санкт-Петербург шаҳри мэрияси делегацияси иштирок этди.

Музокараларнинг асосий мақсади — Ўзбекистон Республикаси билан эркин фаолият кўрсатиш мунтазам мақомига эга бўлган Санкт-Петербург ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Санкт-Петербург шаҳри мэрияси шунга келишиб олдиларки, ҳамкорлик ҳар иккала томоннинг дўстона, қўшнчилик муносабатларига интилишга амал қилган ҳолда ҳамда оқилона мақсадга мувофиқликдан келиб чиқиб, тенг ҳуқуқлик ва ўзаро фойда негизига қўрилади.

Музокаралар давомида шу нарса эътироф этилдики, савдо-иқтисодий муносабатларга қўйиладиган принциплар асос қилиб олинади:

Ўзаро айирбошлар алоқалар узлишлигининг олдини олиш, ижтимоий кескинликка йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқариш техникаси мақсадларидagi мақсулотларни, халқ истеъмоли ва озиқ-овқат молларини 1990 йил дарамасида ўзаро айирбошлар.

1992 йилдан бошлаб савдо-иқтисодий ҳамкорликни ишлаб чиқариш-техника мақсадларидagi мақсулотларнинг, озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларининг ўзаро келиши шартли равишда ва баланслаштирилган ҳажмлари бўйича, шунингдек, томонларнинг ҳўжалик субъектлари ўртасидаги тўғридан-тўғри битимлари бўйича амалга ошириши.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Санкт-Петербург шаҳри мэрияси ўртасидаги битим лойиҳасини ишлаб чиқишни 1991 йил 15 ноябргача тугаллашни мақсадга мувофиқ деб тодилар. Томонларнинг фикрига қўри, ушбу битим Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси ҳукумати ўртасидаги иқтисодий битимнинг ажралмас қисми бўлиши керак.

Ўзаро ҳамкорликнинг кўрсатиб ўтилган принциплари томонларнинг вакиллари имзоланган алоҳида протоколда аниқлаб берилган. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Санкт-Петербург шаҳри мэрияси ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга асос қилиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президент И. КАРИМОВ. Санкт-Петербург шаҳри мэри А. СОБЧАК.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 7 октябрь.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИНИ ЧАҚИРИШ ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИДА

Шу йил 3 октябрда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойини чақириш юзасидан республика Компартиясининг факултетида ХХIII қурултойи томонидан тузилган Ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ташкилот комитетининг раиси И. А. Каримов бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низоми лойиҳалари муҳокама қилинди. Комиссиялар муҳокамага тақлиф этилган лойиҳаларни Ўзбекистон Компартиясининг факултетида ХХIII қурултойида ифода-лаб берилган қондаларга мувофиқ тайёрлаганиликлари таъкидланди. Лойиҳаларда жойлардан тушган тақлифлар ҳисобга олинган, маҳаллий партия ташкилотлари ва мувозий ишчи гуруҳларнинг муқобил ҳужжатларида тақлиф этилган барча қимматли фикрлар акс эттирилган.

Низом лойиҳасида Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси парламент тилидаги партия сифатида таърифланади ва шунга мувофиқ ўз зиммасига бевосита ҳокимият ва бошқариш вазифаларини оладиган барча партия тузилма-

лари истисно этилади. Низомда партия турмушининг меъёрлари иложи борича кўпроқ демократиялаштирилган, ҳокимиятнинг юқори ва иккинчи даражаси шаклларида партия ташкилотларининг аҳамияти оширилади.

Ташкилот комитети ҳужжатларини ҳар томонлама муҳокама қилгандан сўнг комиссиялар томонидан тайёрланган Дастур ва Низом лойиҳаларини асосан маъқуллаш, мажлисида билдирилган фикр мулоҳазалар ва тақлифларни эътиборга олиб уларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда матбуотда эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва районларнинг муваққат ташкилот комитетларига бу ҳужжатларни аҳоли ўртасида ва турар жойларда, меҳнат жамоаларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама ва тарғиб этишни ташкил этиш тақлиф этилди.

Мажлисида Ташкилот комитети аъзолари ўртасида вазифалар тақсимлаб олинди. Жойларда амалий ёрдам кўрсатиш учун Ташкилот комитети вакиллари Қорақалпоғистон

Республикасиغا, вилоятларга ва Тошкент шаҳрига юборилди. Янги партияни шакллантириш ва Таъсис қурултойини тайёрлаш билан боғлиқ барча зарур тадбирларни амалга ошириш учун Х. М. Абдураимов бошчилигида гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Таъсис қурултойини 1991 йил 1 ноябрда чақиришга қарор қилинди. Қурултойда Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясини ташкил этиш, унинг ташкилотлари ва сайлаб қўйиладиган органларнинг яқин орада ва истиқболда амалга оширадиган вазифалари, Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низоми, партиянинг Раиси, Марказий Кенгаши ва Марказий тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш мулкжалланмоқда.

Ташкилот комитети Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси аъзолари рўйхатдан ўтказиш тартибини, шунингдек партия конференциялари ва Таъсис қурултойига делегатлар сайлаш тартибини тасдиқлади, бу тадбирларни ўтказиш муддатларини белгиледи.

• (Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Ҳаракат дастури ва Низоми лойиҳалари «Ўзбекистон овози» рўномасининг 5 октябрь сонида эълон қилинди).

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАШКИЛОТИ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

4 октябрда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойини чақириш бўйича Тошкент шаҳар ташкилот комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини ташкилот комитетининг раиси А. И. Фозилбеков олиб борди.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилот таъсис конференциясини 1991 йил 25 октябрда чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Конференцияда қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш кўзда тутилмоқда:

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилотини тузиш тўғрисида;

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низоми лойиҳалари тўғрисида;

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойига делегатлар сайлаш.

Конференцияга вакиллик меъёри ҳар бир райондан 50 делегат қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойига тайёрларлик кўриш бўйича район муваққат ташкилот комитетлари тасдиқланди. Уларга партиянинг бошланғич бўғинларини шакллантириш, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси район ташкилотлари таъсис конференцияларини ўтказишга тайёрларлик кўриш ва ўтказиш, Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилоти таъсис конференциясига делегатлар сайлаш билан боғлиқ барча ташкилотчилик ва сиёсий ишларга раҳбарлик қилиш топширилди.

Шу мақсадларда:

— Шу йил 15 октябргача Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси аъзоларини рўйхатдан ўтказиш ва аъзолар қабул қи-

лиш, ёнги вақтда ҳудудий ёки ишлаб чиқариш партия ташкилотларига бириктириш истиғи бўлган партиянинг қамиди 5 нафар аъзоси бўлган тақрирда уларни бошланғич ташкилот сифатида рўйхатга олиш;

— Шу йил 20 октябргача бошланғич, район ташкилотларининг йиғилишлари ва конференцияларида Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низоми лойиҳаларини муҳокама этиш, шунингдек Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилоти таъсис конференциясига делегатлар сайлаш, партиянинг таъсис қурултойига белгиланган меъёр бўйича делегатлар кўрсатиш. Район конференцияларини шу йилнинг 18-19 октябрда ўтказиш.

**Бугунги кун нафаси**

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

Ўзбекистон комсомолнинг навбатдан ташқари XXV қурултойида жумҳурият ёшлар ташкилотининг номини бундан кейин Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи деб аташ ҳақида қарор қабул қилинди.

ИТТИФОҚДА

М. С. Горбачевнинг совет телевидениеси орқали берган баёнотида АҚШнинг ядро қурол-яроғларини қисқартирish юзасидан ташаббусига жавобан СССРда ҳам ана шундай қурол-яроғлар кескин қисқартрилиши маълум қилинди.

Томонларнинг Республикаси Президентининг сўзлари 27 октябрдан 24 ноябрга кўчирилди.

ХОРИЖДА

Хорватия ташқи ишлар вазири бу ерда қон тўкиши тўхтатишга кўмаклашиш учун НАТОга ҳарбий ёрдам сўраб мурожаат қилаётганини айтди.

• Янгиликлар • Воқеалар • Хушxabарлар • Янгиликлар • Воқеалар • Хушxabарлар • Янгиликлар • Воқеалар • Хушxabарлар

**ЮРТИМИЗ ШАБАДАСИДЕК ЁҚИМЛИ**

Шоир қайта-қайта нашр этилаётган дилбар шетлариди, дўстлари, ихлосмандлари қалбиди мангу барҳай ҳаёт ноли. Унга бағишлаган чиндилар асарларда шу фикр барқ уриб туради. Тўйга атаб топ этилган, Отаб қаламига мансуб «Кўеини» кўргани келдим» бадисини ўқиб Миртемирнинг улдуғлини яна бир бор юракдан ҳис қиламиз.

Эртага устоз Миртемирнинг 80 йиллиги пойтахт жамоатчилиги томонидан кенг нишонланади. Эрта билан наҳорга шоир яшган хонадонда хотира оша берилди. Сўнгра шоир ижодининг мухлислари унинг қабрини зиёрат қилиб, гуллар қўйдилар. Кеңкурун эса Алишер Навоий номи академик Катта театрдан тантанали кеча бўлиб ўтди.

Савдат ОДИЛОВА.

**НАФИС САНЪАТ МАКТАБИ**

РЕСПУБЛИКАМИЗ умумтаълим мактабларида халқ оғзаки ижодини ўргатиш талаблар даражасида эмас. Шунга кўра адабиёт ўқитиш бўйича тузилган ўқув дастурларида бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда.

Бир гуруҳ етакчи адабиётшунос олимлар тузган ўқув дастурда эса халқ оғзаки ижоди, ўзбек адабиёт тарихини ёритишга қатъий ёрилади. Худди шу мукамал дастур экинчи Тошкентда очилган республика нафис санъат мактаби учун асос қилиб олинди. Дастур муаллифлари бу билим даргоҳида иккитдорли ўқувчилар билан машғулотлар олиб борадиган бўлилар.

Савдат ОДИЛОВА.

• Янгиликлар • Воқеалар • Хушxabарлар • Янгиликлар • Воқеалар • Хушxabарлар • Янгиликлар • Воқеалар • Хушxabарлар

**ЖАМҲАРМА ҲИСОБИДАН**

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА янги таъсис этилган Улугбек номидаги жамғарма ўз фаолиятини жонлантириб юборди. Иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар ҳам кўриб чиқилмоқда.

Жамғарма Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Улугбек номида қатор стипендиялар таъсис этилди. Энг қобилиятли ўқувчилар, талабалар ва ёш олимлар ана шундай моддий ёрдамдан баҳраманд бўладилар.

Мазкур стипендиялар қуйидаги тартибда белгиланди: ёш таҳассисларга ҳар бири ўз минг сўмлик бешта стипендия берилган бўлади. Олий ўқув юрлари яқиндорли талабалари учун ҳар бири 200 сўмлик 25 та, умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун ҳар бири 100 сўмлик 100 та стипендия акратилди.

Сурайё ОМОНОВА.

**«МАЛИКА»ДА БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР**

КУНИ кеча «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчилари «Тошкент оқшоми» ижодий ходимлари билан учрашди.

— Рўзноманинг ўзига хос файан бор, — деб сўз бошлади бирлашма партия комитети ноиб Гулнора Мирзаева. — Чунки «Оқшом»да «Одобнома» ва бошқа руно-малардан акралаб туради. «Бугунги кун нафаси» руни эса жумҳуриятимиз, иттифоқ ва хорижда бўлаётган воқеаларни қисқа ва текорили билан ёритиб бормоқда.

— Мен, — дейди бирлашма тажриба-синов цехининг чилангари Асқар Шообидов. — Рўзнома чиқа бошлаганидан бери унга обуна бўлиб келмоқдам. Уни жуда севиб ўқийман. Айниқса менга яқинда пайдо бўлган «Уй-жой қурилиш ва тақсимоти» «Оқшом» назоратида» руни остида берилган материаллар жуда ёқди.

— Менга рўзнома саҳифаларида ёритилаётган корхона янгиликлари, чет эл хабарлари кўпроқ ёқди, — дейди навбатдаги сўзни олган «Кўлаб»да Муҳтабар Алимова. Яқинда рўзномада эълон қилинган «Кўлаб мунтарий мактуби билан» руни ҳам ўқийман. Умуман мен рўзномада янги-янги руникларда мақолалар берилишини истардим.

Шунингдек, учрашувда қатнашган бошқа ишчи ва хизматчилар қўллаб-қувват ва тақлифлар билдиришди. Учрашув чоғида улар рўзнома ижодий ходимларига турли саволлар билан ҳам мурожаат этишди.

Гафур ЮНСОВ.

**«02» хабар беради**

17 сентябрь кунин фуқароларнинг ушбу кўриб, уларнинг шаҳарий мез-мулкларини ўттирилади учун қўлга олинган П. исмли ишчининг хонадонини милиция ходимлари томонидан текширилганида 6 донна патрон топилди.

10 сентябрь кунин Каримов кўчасида яшовчи Юнусовнинг уйига номалум киши дорвондан ошиб кириб, 1150 сўм пул ва нимматбоҳ нарсаларини олиб юфтанин ростилади. Қўриққан чора-тадбирлар туфайли 17 сентябрда ўғри айбоний далиллар билан қўлга олинди. Маълум бўлишича, у Юнусовнинг хонадонидан бир неча уй нарида турадиган кўчанин экан.

18 сентябрь. Тахминан соат 8 да Навоий кўчасида жойлашган овоз ёши хонасининг деразасини номалум киши синдириб кириб, «Маяк» — 233», «Комета», «Техник» маркали магнитфонларини олиб чиқиб кетаватганида Киров район ички ишлар бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди. У ҳеч қандай ўқимайдиган ва ишламайдида А. С. исмли киши экан. Ушбу киши Қовоғистон СССРда шахримизга меҳмон бўлиб келган Усманбетова Чорсу боқорининг томоша қилиб юрганида бегона кўла унинг пул тўла ҳамининг олди. Миллиция ходими Жусуибеов чаққон ҳаракат қилиб ҳамён ўрнисини қўлга туширди. У Тошкент вилоятининг П. В. исмли киши бўлиб чиқди.

19 сентябрь кунин нечаси соат 1 да «Сабҳат» ресторанида ишловчи Е. исмли айбоний уйига унга таниш бўлган киши келиб ошиб кириб, қўриққонини босди. Эшонин ошдан Е. киши уйига суриб кириб юмустига танабуз этиди. Олиб борилган текширишлар чоғида танабузкор кишининг тавини бўлмаган В. исмли киши ойдиланди.

Тошкент шаҳар ички ишлар комитети Ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи.

ЎЗАГА ТУЗАТИМ

4 октябрда рўзномаларда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўзлари» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасининг 4-ва 25-моддаларидаги «100 минг» рақами 60 минг деб ўқилиши.

**УМРИНИЗ УЗОҚ БЎЛСИН**

ШУНДАЙ санъаткорлар борки, улар ҳақида соғлаб гапириш мумкин. Шунда ҳам уларнинг асосий фаолиятларини айтиш, санъат адаб этиш қийин. Саксон беш ёшга кирган Ўзбекистон халқ артисти, Иттифоқ мукофоти совриндори Саъдихон Табибуллаев ана шундай кимтар, амак вахматнаш фидойи актёрларимиздан саналади.

Саъдихон аканинг бутун умри Ҳамза номи театр сахнаси билан чамбарчас боғланган. Томошбинлар у киши илҳом, маҳорат билан икром этган Яхшибой («Номус ва муҳаббат»), Мансур («Алишер Навоий»), Ёсуман («Фарҳод ва Ширин»), Мирзакаримбой («Кутлуг қон»), Суҳуров («Сўнги нусхалар»), Хлестак («Ревизор»), шайх Абдулфотиҳ («Қоли са-роб») сингари юзга яқин ролларини яқин аслашди.

Саъдихон ана ўзбек театри сахнасида биринчи бўлиб Ленин ролин («Милтиқчи киши») икром этган актёрдир.

**УМРИНИЗ УЗОҚ БЎЛСИН**

Ҳар бир насб соҳибини мевали дарахтга ўхшатиладилар. Уларнинг меваси — бу шоғирдларидир. Шу жиҳатдан олиб қараганда Саъдихон аканинг шоғирдларидан бахти кўлган. Улар устоз ишончини оқлаб, ақойиб роллар икром этишпти. Энг муҳими улар Ҳамза номи академик драма театрининг эртанги кунини ҳам белгилашмоқда.

Кунин кеча Ҳамза театрида Саъдихон Табибуллаевнинг 85 ёшлигини нишонлашга янгиликлар актёрлар, устоз санъаткорининг шоғирдлари, ёру дўстлари ана шулар ҳақида тўқилганиб сўзладилар. Санъаткорга узоқ умр тиладилар.

Тоҳир НУЛДОШЕВ.

**ОЛДИНГИЛАРИГА ЎХШАСАДА...**

АҲОЛИ узоғини яқин қилиш, кишиларга намунали хизмат кўрсатиш ҳар бир транспорт корхонасининг мақсади. Шу сабадан шахримиздаги 1-троллейбус депозит 3 та янги замонавий ўзгартирилган троллейбусларни сотиб олди.

Янги троллейбуслар қўриққониндан олдинчиларига ўхшасада, лекин ўзининг бир қанча афзалликлари билан акралаб туради. Чунки, уларда илгаригидек битта ўринга учта иситиш тармоғи ўрнатилган, ўриндиларининг бироз қамайиши ҳисобига турши жойлари кенгайган, ҳайдовчи салонидан ўриндиларининг ҳаракат вақтида автоматик тарзда муқобиллашнинг, руль ҳамда бошқариш қурималарининг қўлай жойлашганлиги эса ҳайдовчининг тез чарчашдан сақлайди.

Малакали ҳайдовчиларни қўлайтириш мақсадида 2 та троллейбус ўзини машғулотларини ўтказиш учун акратилди. Бу троллейбуслар қўйилганлардан бери шу депода ишлаб келатган, жамоа назарига тушган Р. Сатторов ва Ю. Камолов каби тажриба-ли ҳайдовчиларга насб қилди. Яна бир троллейбус эса 10-йўналиш бўйлаб йўловчиларнинг узоғини яқин қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўзлари: янги троллейбусларнинг қўйиладиганлиги билан раҳмат билан Ю. Камолов ва Р. Сатторовлар.

Муаллиф суратлари.

• Янгиликлар • Воқеалар • Хушxabарлар • Янгиликлар • Воқеалар • Хушxabарлар • Янгиликлар • Воқеалар • Хушxabарлар





